АССАЛОМ, СОҲИБҚИРОН ЙИЛИ!

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1996 йил 1 январь, душанба. №1. (21.922). Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Аввало, барчангизни кириб келаётган Янги йил билан чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Эски йилни кузатиб қолаётган ҳар бир инсон бўлиб ўтган воқеаларни, ўз бошига тушган ҳаёт ташвишларини эсга олади, тошу тарози қилади.

Яратганимиздан Янги йилда ўзининг, оиласининг, қариндош-уруғларининг, дўст-биродарларининг бахтини, эл-юртимиз тинч ва омон бўлишини сўрайди.

Ҳар қайси инсон шу ҳаётдан катта-катта эзгу умидлар билан яшайди. Ҳеч ким туғилганда миллат ва Ватан танламайди, аммо киндик қони тўкилган еримиз меҳру муҳаббати илк нафас билан жисму жонимизга киради. Биз умр бўйи шу меҳр билан яшаймиз, шу муҳаббатни улуғлаб, фарзандларимизга муқаддас мерос қилиб қолдирамиз.

Бир сўз билан айтганда, эл-юрт ободлиги, Ватаннинг қудрати, фарзандлар камоли ва ватандошлар саодатини кўрмоқ орзуси — ҳар бир тоза ниятли, иймони пок инсон ҳаётининг мазмунидир.

Мана тўрт йилдирки, биз ана шундай юксак ғоя-мақсадлар билан яшаб, мўътабар юртимизнинг фаровон келажаги пойдеворини қурмоқдамиз. Холисона сарҳисоб қилиб айтадиган бўлсак, мўлжал этилган режаларга эришиш учун анча ишларни амалга оширдик. Кучимизни, ақл-заковатимизни, фидокорона меҳнатимизни шунга бағишладик. Шукроналар бўлсинким, қилган ишларимиз, чеккан заҳматларимиз энди-энди ўз ҳосилини бера бошлади.

Ўтаётган 1995 йилни кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, ўлкамиздаги тинчлик, барқарорлик ва осойишталикни қадрлаш зарурлигини яна бир бор англаймиз. Бизнинг ҳаётимиз тинимсиз меҳнат билан, ўзаро ҳамжиҳатлик ва муроса, меҳр ва оқибат, бунёдкорлик ва ободлик руҳи билан ўтмоқда.

Янги йил арафасида халқимизга, ёшу қари, эркагу аёл — сиз азиз юртдошларимга мурожаат этарканман, сизларнинг белни маҳкам боғлаб, гўзал диёримизнинг буюк истиқболига чин дилдан ишониб, олдиндаги ёруғ манзилларга кўз тикиб, сабру матонат билан фидокорона меҳнат қилганингиз учун тасаннолар айтмоқчиман, чексиз миннатдорлик билдирмоқчиман.

Иншоолло, 1995 йилда чеккан машаққатларимиз ортда қолди. Келаётган 1996 йил ҳаммамиз учун, шу муборак заминда яшаётган ҳар бир инсон учун юксалиш, ўсиш йили бўлгай.

Ўзаро ҳурмат-иззат, бағрикенглик, дўстлик ва ҳамкорлик туйғулари қарор топган юртимиздан тинчлик ва осойишталик, файзу барака асло кўтарилмасин.

Эски йилни кузатиб, Янги йилга қадам қўяётган ҳар қайси оила, ҳар қайси одам муқаррар тарзда ўтганларнинг руҳи поклариии ёдлаши — халқимизнинг энг мўътабар фазилатидир. Умуман, шундай эзгу дамларда муқаддас қадриятларни, буюк аждодларнинг руҳи поклариии эсламоқ хайрлидир. Наслу насабини, аждодлар васиятини унутмаган халқ муқаррар тарзда саодатга эришади.

Ватандошларимизнинг хаёл-ирода[illegible] билан 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинди. Келгуси йили у муборак зот таваллудининг 660 йиллиги ер юзида кенг нишонланади. Ишонаманки, бу байрам Ўзбекистоннинг буюк тарихи ва буюк келажагини дунёга намойиш этадиган улкан воқеа бўлади. Ишонаманки, улуғ соҳибқиронинг мардона руҳи бизни ҳамиша ўз ҳимоятида сақлайди, янги ютуқ ва зафарларга чорлайди.

Азиз ватандошлар!

Ушбу табаррук айёмда ҳар бирингизни чексиз меҳр-муҳаббат билан табриклаб бағримга босаман. Янги йилимиз қутлуғ бўлсин, барчамизнинг дилимиздаги олижаноб ниятларимиз рўёбга чиқсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Муҳаррир минбари

ҲАҚИҚАТ БОР ЖОЙДА ХАЛҚ БОР!

Абадиятнинг бўйи қадамлар билан ўлчанади. Мана, бугун улуғ соҳибқирон, буюк саркарда Амир Темур йилига, гўёки, унинг абадиятга дахлдор салтанатига кириб келдик. Ҳайрон бўлманг, мустақил мамлакатимизнинг ўтган йилдаги теран мазмунли ҳар бир куни соҳибқирон давлатчилигининг тарихига ҳисса бўлиб қўшилди. Уни бойитди. Соҳибқирон абадиятининг давоми — мустақил мамлакатимизнинг ҳар бир йили. Соҳибқирон давлатининг шон-шавкати, адолати, фаровонлиги ва ободонлигини бешинчи йилга қадам қўйган ИСТИҚЛОЛ қарор топтирмоқда. Зотан, 1996 йилни Амир Темур йили деб беҳуда атамадик. Бу — жаҳонгирнинг қайтиши. Бу фуқаропарвар инсон номи билан боғлиқ бўлган Марказий Осиё Уйғониши — Ренесансининг қайтиши. Амир Темурнинг «Ёмонликдан яхшилиқ илгари керакдур» деган шиори ҳар биримиз учун 1996 йилнинг бош сарлавҳаси бўлиб қолади, деб умид қиламиз. Келажак йил — мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий барқарорлик йили бўлади.

Турналар яна учиб кетди. Тоғларга яна қор тушди. Қорни яна соғиндик. Қорсиз, оламда оқлик озайиб қолганга ўхшайверади. Байрам арафасидаги нафас ростлаш онида деҳқон ҳам, зиёли ҳам босиб ўтган йўлига бир қур назар солади, ҳисоб-китоб қилади. Янги режалар тузади. Вазифалар белгилайди.

Ўтаётган йил таҳлилларга бой бўлди. Деҳқону раҳбарнинг, молиячи-ю матбуотчининг меҳнати чуқур таҳлил қилинди. Айниқса, матбуот ишидаги камчилик вв нуқсонлар очиб ташланди. Бу борада бир эмас, бир неча марта катта, давлат миқёсидаги анжуманларда тўғри, топиб айтилди. Газета-журналларимизнинг бир хиллиги, журъатсизлиги, лоқайдлиги қаттиқ танқид қилинди. Ўзбек матбуотининг маълум даражада тор, биқиқ доирада ўралашиб қолгани ҳамда бунинг объектив ва субъектив сабаблари рўйрост, очиқчасига муҳокама этилди. Қуруқ танқид билан чекланиб қолмасдан, матбуот ва журналистлар олдига аниқ вазифалар қўйилди.

Журналист ўзи ким? Унинг ҳаракат майдони қаер? Бу майдоннинг чегараси борми? Бўлса—қаерда? Қалам аҳлининг бу саволларга аниқ жавоб топиши жуда муҳим. Назаримда, журналист — ижтимоий ҳаётни ўрганувчи. У жамиятнинг табиби бўлиши керак. Унинг оғриқларига тўғри ташхис қўйиши, даволаш йўлларини кўрсатиб бериши зарур. Журналист тоғ оҳусидек сезгир ва зийрак, овчидек барча айланма ва тўғри йўлларни билиши лозим. У — халқ юрагининг таржимони. Журналист ҳеч қачон ёлғон гапирмаслиги, ўз виждонига қарши ўлароқ қўлига қалам тутмаслиги керак. Зеро, унинг сўзи, яъни матбуотнинг сўзи миллатнинг, бутун эл-улуснинг сўзидир. Бу сўз, шубҳасиз, одамлар қалбига таъсир этади, дардига дармон бўлади. Журналистнинг сўзи оммани янгидан-янги меҳнат ғалабалари сари ундаш, ёруғ келажак сари чорлаш қувватига эга. Журналист ўзининг шахсий манфаатларини умуммиллат манфаатларига ўйғун эта олган, уни шахсий манфаатидан устун қўя олувчи ижтимоий ШАХСдир. Журналистнинг виждони — жамиятнинг, халқнинг виждони. Шунинг учун журналист ўз Ватани фуқароларигина эмас, бутун инсониятнинг, Ҳақиқат ҳазрати олийларининг ҳимоячисидир. Шунинг учун журналист ҳаракат қиладиган майдоннинг чегараси йўқ.

Журналистнинг ўзини ким ҳимоя қилади? Сир эмас, турли даражадаги айрим раҳбарларнинг фаолият майдони журналистик таҳлил, матбуот танқиди доирасидан холи бўлиб қолди. Республика, вилоят, туман миқёсидаги бундай ўзи хон, кўланкаси майдон раҳбарлар, афсуски, оз бўлса-да учрайди. Мабодо, журналист «нобоп» раҳбарни матбуотда «боплаб» танқид қилиб қўйса турли жойлардан бош муҳаррирга қўнғироқлар бўлиб қолади. Ҳатто, бундай «беодоблик»ка қўл урган журналист ва муҳаррир билан муносабатларни ойдинлаштириш бошланади. Минг надоматлар бўлсинким, матбуотга, журналистлар ишига тўсиқ бўлувчи бундай нохуш ҳоллар аҳён-аҳёнда бўлса-да, учраб туради. Яхшиямки, газета-журналларимиз ўз «муросасиз» мухбирларини ҳимоя қилиш қудратига эга.

Матбуотнинг интеллектуал даражасини, ҳозир-жавоблигини ошириш билан бир қаторда, унинг моддий пойдеворини мустаҳкамлаш борасида ҳам жиддий бош қотириш зарур. Бизда чет эл журналистларидан қолишмайдиган моҳир, иқтидорли журналистлар оз эмас. Уларнинг моддий таъминоти яхшиланса, журналист моддий жиҳатдан дахлсиз бўла борса, бу газета-журналларда чоп этилаётган мақолаларнинг савиясига ҳам ижобий таъсир қилади. Натижада матбуотнинг ижтимоий позицияси мустаҳкамланади, камчиликларга нисбатан муросасизлиги ортади. Бундай моддий базани ким яратади? Албатта, ўзимиз — журналистлар, ноширлар. Бизни кўпинча тадбиркор эмасликда айблашади. Йўқ, биз газета-журналлар қошида маърифий-маданий йўналишдаги кичик корхоналар ташкил қилиб, нашрларнинг моддий-иқтисодий пойдеворини яратиш борасидаги қатъий режаларимизга эгамиз. Гапнинг очиғини айтганда, бу йўналишдаги ишларимизда баъзан айрим тўсиқларга, бизни тушунмасликларига дуч келар эдик. Энди журналистлар ўз ишларида, матбуот ишига ислоҳотларни дадил жорий этишда бевосита Президент белгилаб берган қатъий қоидаларга таянадилар. Қоғоз заҳираларимизнинг кўпайиши, қоғоз фабрикаларимизга эга бўлишимиз ўзбек матбуоти ишига инқилобий таъсир этган бўлур эди.

Биз ҳам кўп саҳифали газеталар ташкил қилишни, мавжуд газеталаримиз саҳифаларини кўпайтиришни орзу қиламиз. Ҳар бир газета ўз ўқувчисига, ўз харидорига эга бўлса, ўзбек матбуоти ҳам дунёга чиқса деймиз.

Газетанинг ўқишли бўлиши, ўқувчилар эътиборига тушиши кўп жиҳатдан унинг дизайни, безатилишига ҳам боғлиқ. Шу мантиқдан келиб чиқиб, газеталаримиз чет эллардаги каби рангли, безаклар билан чоп этилишини истаймиз. Лекин бу ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Биз ўз фаолиятимизни жонлантиришда давлатнинг кўмагига кўз тикиб ўтирмаймиз. Ўзимиз бунинг чора-тадбирларини қидирамиз. Нега бизда халқаро журналистлар йўқ? Биз бунинг олдини олиш мақсадида журналистларимизни чет элларда ўқитмоқдамиз. Улар хорижий мамлакатларда ўз малакаларини ошириб келмоқдалар. Чет эл журналистлари билан тажриба алмашмоқдалар.

Матбуот ходимларининг замонавий журналистик ускуналар, жиҳозлар билан етарлича таъминланиши бу йўналишдаги фаолиятимизни ривожлантиришга сезиларли таъсир этган бўлур эди. Ҳа, демак биз ҳам чет эл янгиликларини рус тилидаги бир-иккита газеталардан олишдек ачинарли ҳолга чек қўйиб, хорижий мамлакатларда ўз мухбирларимизга эга бўламиз.

Ўзбек матбуотининг махсус мухбирлари, айтайлик, Лондон, Вашингтон, Париж, Теҳрон, Қоҳира каби дунё пойтахтларидан ўзбек тилида ахборот узатишлари бизни ғоятда мамнун этган бўлур эди. Шубҳа йўкки, шундай кунлар яқин.

Ҳақиқат бор жойда халқ бор, дейилади мақолларда. Матбуот — бу ҳақиқат жарчиси, ҳақиқат кўзгуси демакдир. Бу кўзгуда ёлғон, сохта гап акс этмаслиги зарур. Акс ҳолда, матбуотдан халқнинг кўнгли қолади. Матбуотни ҳақиқатнинг қаноти дейиш мумкин. Бу қанотлар қанчалар кучли бўлса, ҳақиқатнинг парвози ҳам шунчалик юксак бўлади.

Юртбошимиз Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясида, халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоят Кенгашлари сессияларида, Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган матбуот ходимлари билан учрашувида, ундан сўнг Тошкентдаги дипломатия корпуси, маҳаллий ва хорижий журналистлар билан бўлиб ўтган очиқ ва ошкора мулоқотда биз—матбуот ходимлари зиммасига аниқ вазифалар юклади. Бизга кўпдан ана шундай аниқ йўлланма зарур эди. Ҳаётдан орқада қолиш, бепарволик, мудроқлик каби иллатлар энди бизнинг фаолиятимизда мутлақо бегона нарсалар бўлиши керак. Матбуот—ҳаётнинг қон томири. Унда бугуннинг нафаси уфуриб туради. У мамлакат ва халқ ҳаётини, ислоҳотлар жараёнини ҳаққоний ва куюнчаклик билан акс эттиради. Бунинг учун энг зарур бўлган матбуот ва сўз эркинлиги мавжуд[illegible]ар

Журналист Ватан ва халқнинг дастёри, ҳ[illegible]ақиқат маткоридир. Президент Ислом Каримовни[illegible]. Дебизга кўрсатган руҳий ва маънавий [illegible]нг 600 Янги йилда янги куч, янги ғайрат билан[illegible]и тавалшимиз учун илҳомлантиради. Биз бутун [illegible]ям яхши ва иқтидоримизни шу юрт, шу эл бахт-са[illegible]қур ака-учун бахшида этишга тайёрмиз.

[illegible]а, тани-[illegible]да йўқ. [illegible]ни фи-[illegible]р қанча [illegible]ши.

[illegible]РОВ.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги йилингиз билан самимий қутлайман!

Арпад ГЕНЦ,
Венгрия Республикаси Президенти.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сизга оиламиз номидан Янги йилингиз бахт-саодатли, тинч-осойишта ва баракали келишини қизғин тилаб қоламиз.

Ҳусейн Бин ТАЛАЛ,
Иордания Ҳошимийлар Қироллиги подшоси.
Нур Ал-ҲУСЕЙН,
малика.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги 1996 йилда Сизга энг қутлуғ эзгу-ниятлар ҳамроҳ бўлсин.

Филиппе Гонсалес МАРКОС,
Испания қироллиги Вазирлар Кенгашининг Раиси.

САНОАТНИ ҚИШЛОҚҚА КИМ ЕТАКЛАЙДИ?

Мулоҳаза

Мамлакатимизда катта меҳнат эвазига етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бир қисми истеъмолчиларга етмай, исрофу нобуд бўлаётганлиги, деҳқонлар машаққатли меҳнатлари самарасидан тўла фойдалана олмаётганликлари ҳеч кимга сир эмас.

Натижада чин меҳнат қилган деҳқонларнинг косаси баъзан оқармай қоляпти. Агар мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан ортиғи қишлоқларда яшашлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай йўқотишлар қамрови кам эмаслиги кўзга яққол ташланади.

Мамлакатимизда етиштирилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун қишлоқларимизда қайта ишловчи саноат тармоқлари етарли даражада ривожланмаган. Бугунги бозор иқтисодиётига ўтиш шароити саноатни чин маънода қишлоққа олиб кириш зарурлигини тақозо этмоқда. Бу борада республикамизда катта саъй-ҳаракатлар бўлмоқда. Деҳқон (фермер) ва бошқа турли тадбиркорлик ҳаракатлари учун кенг йўл очиб берилмоқда. Улар фаолияти ҳар томонлама қуллаб-қувватланмоқда.

Лекин шундай бўлсада, саноатнинг қишлоққа кириб келиши анча суст кечмоқда. Бунга нималар сабаб бўлмоқда? Менимча, қуйидаги омиллар саноатнинг қишлоқда муқим жой олиши учун тўсиқ бўлаётир: биринчидан, технологик ускуна ва машина-механизмлар, улар учун зарур бўладиган эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш материаллари, электр энергия ва бошқа ресурсларнинг нархи баландлашиб кетиб, етиштирилган маҳсулотлар ўртасида номутаносибликнинг вужудга келиши; иккинчидан, қишлоқ меҳнаткашлари ўз маҳсулотини қайта ишлаш бўйича махсус тайёргарликка, тажрибага ва малакага эга эмаслиги; учинчидан, қишлоқларимиздаги инфраструктуранинг кам ривожланганлиги ва буни яратиш айни замонда жуда қимматга тушишлиги.

Юқорида қайд этилган учта омил қишлоққа саноатни олиб киришда катта тўсиқ ролини ўйнаб келмоқда. Энди республикамизда халқ хўжалигининг бошқа соҳаларидаги тадбиркорликнинг вужудга келиш жараёнини таҳлил қилиб кўрайлик. Уларнинг кўпчилиги ҳаракатдаги корхоналар, муассасалар негизида ташкил бўлди. Улар учун бино, электр энергияси, сув, газ, йўл, асбоб-ускуналар муҳайё эди. Ишбилармонлар уларни ўзлариники қилиб олгач, меҳнатга соҳиблик ҳисси билан муносабатда бўлиб, ишлаб чиқаришни ҳар томонлама ривожлантириш чорасини кўра бошладилар. Натижада улар собитқадамлик билан тараққий этмоқда. Гувоҳи бўлиб турибмизки, ҳар қандай корхона, маиший, савдо ва бошқа иншоотларни ёвққа туриб олган сармоядор, ишбилармонлар ким ошди савдосидан сотиб олишмоқда. Бундан кўриниб турибдики, кўп ҳолларда бирор ишни бошлашдан аввал шу ишнинг дастлабки илдизини инобатга олиш керак.

Биз деҳқон-фермерларни ҳар қанча илҳомлантирмайлик, уларга қанча йўлланма-ю мадад бермайлик, уларнинг саноатни қишлоққа, ўз ишлаб чиқариш хўжалигига олиб кириш жараёни секин кечмоқда. Чунки деҳқон ёки чорвадор ўз экини-ю чорвасидан ортиб, қайта ишлаш учун вақт топиши қийин. Шунингдек, юқорида биз таъкидлаб ўтган тўсиқ бўлувчи омиллар, яъни технологик ускуналарни ишлатиш, маҳсулотларни қайта ишлаш технологияси, санитария-гигиена ҳолатлари, электр энергия ва бошқа техник жараёнлар билан мукаммал ишлаш учун қатор касб ва мутахассисликларни эгаллаган бўлиш керак. Бўлар, албатта, йирик муаммолар ҳисобланади.

Энди бу муаммоларни қандай ҳал этиш мумкин, деган савол туғилиши табиий. **Республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва сотишни ташкил этиш билан шуғулланадиган бирлашма тузмоқ керак.**

Ушбу бирлашманинг вазифалари нималардан иборат бўлиши керак.?

Унинг асосий вазифаси қишлоқда маҳсулотларни қайта ишловчи саноат корхоналарини, маҳсулотларни сақлайдиган махсус омборхоналарни ташкил этиш. Технологик линиялар, цехларни, асбоб-ускуна ва жиҳозларни таъминлаш борасида муайян ишларни амалга оширади. Жойлардаги деҳқон ва фермерларнинг маҳсулотларини жамлаб, мавоза (бартер) йўли билан турли жиҳозлар келтиради. Ушбу жиҳозларни қишлоқларга ўрнатади ҳамда улардан кооперация ва интеграция йўли билан фойдаланишни ташкил этади.

Бирлашма хорижий корхоналар билан алоқа ўрнатиб, чет эл инвестициясини олиб кириш бўйича зарурий ишларни амалга оширади. Янги қўшимча иш жойлари яратади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспортга чиқариш мақсадида рақобатбардош бўлишлиги учун уларнинг сифатини яхшилаш чораларини кўради. Маҳсулотларни бежирим қадоқлаш ва жойлаш учун қадоқловчи пакетлар ва қутилар ишлаб чиқаришни ҳамда бошқа идиш-анжомлар билан таъминлайди. Минтақаларга қараб қандай саноатни ташкил этиш бўйича илм аҳллари, технологлар, конструкторлар ва бошқа мутахассисларнинг илмий ечимларига таяниб иш кўради. Бозор инновациясини ўрганиб боради. Бундан қишлоқ тадбиркорларини хабардор қилиб туради. Натижада қайта ишловчиларнинг технологияга бўлган талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб, республикамиздаги завод ва корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун муайян ишларни олиб боради.

Бирлашма юқоридаги каби қатор вазифа ва ишларни бажаришни ўз олдига дастуриламал қилиб олиши керак. Бундан яна деҳқонларда боқимандалик кайфияти кучаяди, деган фикр келмаслиги керак. Деҳқон ҳеч қачон боқиманда бўлган эмас. Балки доимо бошқаларни боқиб келган. Бундан буён ҳам улар ўзларининг меҳр-саховатига содиқ.

Бирлашмани ташкил этиб қишлоқларда цех ва корхоналар қурилишининг кенг миқёсда ташкилий йўл билан амалга оширилиши, иборали қилиб айтганда, қишлоққа саноатни қўлидан етаклаб олиб кириш демакдир. Саноат қишлоққа қанча чуқур кириб борса, у ерда барча ижтимоий, иқтисодий, ишлаб чиқариш муаммолари шунча тўла бартараф этилади.

Абдулла МАДАЛИЕВ,
«Ўзтехчорвасервис» республика бирлашмаси бўлим бошлиғи.

Ислоҳот ва транспорт

ЎЗ ЙЎЛИНГ, ОЙДИН ЙЎЛИНГ!

Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик темир йўл компанияси раиси Норматт ЭРМЕТОВдан мамлакатимизда бунёд этилаётган янги темир йўллар қурилиши ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— Бундан бир йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Ўрта Осиё темир йўллари заминида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик темир йўл компанияси ташкил этилган эди. Мустақил давлатимиз иқтисодиётини юксалтириш, халқ хўжалигининг, аҳолининг темир йўл транспорти хизматига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида қабул қилинган ушбу муҳим Фармондан сўнгги ўтган вақт ичида компаниямизга қарашли бешта бўлим: Тошкент, Фарғона, Бухоро, Қарши ва Оролбўйи бўлимларида, корхона муассасаларида муайян силжишларга эришилди. Компаниямизнинг барча жойлардаги жамоалари яқин вақтлар ичида тезроқ тараққиётга эришиш мақсадида қўшимча резерв ва имкониятларни ишлаб чиқди. Бунинг учун хорижий сармояларни тармоғимиз ишига жалб қилиш борасида ҳам дадил ҳаракат қилинмоқда. Биргина ўтаётган йилимиздаги қила олган кўрсаткичларимиз мисолида ҳам айтишимиз мумкин. Чунки халқ хўжалиги юкларини ташишда узилишларга йўл қўйилмаётганлиги ҳамда ҳаракатдаги йўловчи поездларининг деярли аксари қисмининг сақлаб қолинганлиги мисолида ҳам буни кўришимиз мумкин.

Ўтаётган йилимиз барокатли бўлди. Ёки гапнинг лўндасини айтганда, тарих ҳарварақларида муҳрланиб қоладиган воқеаларга бой бўлди. Масалан, республикамиз ҳукумати Ўзбекистон темир йўлларининг янада равнақ топишини таъминлаш юзасидан жиддий эътиборини қаратди. Жумладан, 1995 йилнинг 17 августида Вазирлар Маҳкамаси фойдали қазилмалар конларини комплекс ўзлаштириш, темир йўлда юк ташишнинг транспорт таъминотини яхшилаш, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари янги минтақаларининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий вазифаларини ҳал этиш, Ўзбекистон Республикасининг ягона темир йўл тармоғини шакллантириш мақсадида «Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўл линиясини лойиҳалаштириш ва қуриш масалалари тўғрисида» қарор қабул қилганлигининг ўзигина шубҳасиз тарихий ҳужжатдир. Ушбу ҳужжатга асосан 1995—2000 йилларда янги йўл лойиҳалаштирилиши ва фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Ўтган йилнинг декабрь ойида бу йўлда дастлабки пўлат изларини ётқизилди. Магистралнинг нормал фаолияти учун зарур бўлган янги яна бир — Учқудуқ-Султонуиздаг-Нукус линиясида ҳам йўл ётқизиш ишлари давом эттирилмоқда. Буюк ипак йўлини тиклаш учун қурилаётган Тежен-Серахс йўналишидаги (Туркманистон) ишлар тугагач, мамлакатимиз бемалол компаниямизнинг ушбу темир йўллари орқали хорижга чиқишига шароит юзага келади.

Маълумки, темир йўл линияларини электрлаштирилиши биз учун жуда қулай. Алқисса мамлакатимиз темир йўлларини электрлаштириш иш фаолиятимизда афзалликни, арзонликни шубҳасиз юзага келтиради. Бунинг учун 1996 йилда «Жиззах-Самарқанд-Мароқанд» бўлинмаларида электрлаштириш ишлари ниҳоясига етказилишини мўлжалламоқдамиз. Умуман, 1995 йилда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик темир йўл компанияси мазкур тизимни ривожлантириш, темир йўлнинг юқори тузилиши учун материаллар сотиб олишга 13,5 миллион, локомотивлар эҳтиёт қисмлари сотиб олишга 3,5 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ сарфланди.

Айни кунда, компаниямизнинг мамлакатимиз ҳудудидаги йўллари умумий масофаси 3665 километр. Демак, янги қурилиш линияларимиз ҳам ишга тушса, бу рақам янада ортади. Ишларимиз салмоғи янада ошади.

Хуллас, Президентимиз И. Каримов ташаббуси, ҳукуматимизнинг амалий ёрдами билан келажак авлод учун, халқимиз учун катта ишларни амалга оширмоқдамиз. Насиб бўлса бошлаган ишларимиз белгиланган муддатларгача қурилиб битади. Ана шундан сўнг жонажон Ўзбекистонимизнинг ўз ҳудуди орқали ўз йўли билан қўшни хорижий мамлакатларга бемалол эркин чиқишга эришамиз. Албатта бу кунлар яқин. Ана ўшанда мамлакатимиз бунданда, салоҳиятини яна бир бор кашф этасиз.

Суҳбатни Маъмуржон ҚИЁМОВ ёзиб олди.

НОНИНГ БУТУН, ЎЗБЕКИСТОНИМ

БОЛАЛАРГА АТАЛГАН СОВҒА

Шаҳрихондаги Т. Мирзааҳмедов номли 15-махсус ёрдамчи ҳунар-мактаб интернатига Янги йил нафаси барвақт келди. Бу ерда тарбияланаётган 218 нафар ўқувчи ота-оналар, устоз муаллимлар ва ҳомий ташкилотларнинг вакиллари иштирокида байрам ўтказишга йиғилдилар. Кенг, ёруғ зал ўзгача чирой очди. Ўртада кўм-кўк арча ёлқинланди. Унинг атрофида болалар давра қуриб, шўх қўшиқлар куйладилар. Қорбобо билан қорқиз парвона. Янги йил, Ватан, инсонийлик ҳақида шеърлар ўқилди.

Ба[illegible]фасида юртбошимизнинг бола[illegible]а аталган совға-саломлари қувончга қувонч қўшди. Қорбобонинг сурати туширилган турли ширинликлар, табиат неъматлари, қўғирчоғу ўқув қуроллари солинган гулдор халтачалар ҳар бир тарбияланувчига топширилди. Улар Президентнинг «Азиз фарзандим! Сизни кириб келаётган Янги йил билан муборакбод этаман!», дея битилган ҳароратли қутловномасини дилларига жо қилдилар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ХАБАРЛАР ФАКТЛАР

РОССИЯ ҲУДУДИДАН ЧИҚАРИБ ЮБОРИЛДИ

Россия Федерациясининг Владивосток вилоятида ўтказилган «хорижлик» тадбири якунланди. Ушбу тадбир 1994 йилнинг 1 январида Приморье ўлкасида ноқонуний яшаётган хорижий фуқароларни ўлка ҳудудидан чиқариб юбориш мақсадида бошланган эди.

Маълумотларга қараганда, ўтган икки йил давомида Приморье ўлкасида ноқонуний истиқомат қилаётган 7349 нафар хорижий фуқаро аниқланиб, Россия ҳудудидан чиқариб юборилган.

БОШ ВАЗИР БАЁНОТИ

Непал Бош вазири Шер Баҳодир Деупа Хитойнинг Непалдаги элчиси билан учрашув чоғида мамлакат ҳукумати Тибетни Хитойнинг ажралмас қисми сифатида тан олишини айтди, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

Шунингдек, у Непал ҳукумати мамлакатда Хитойга қарши бирор бир ҳарбий акция ўтказилишига йўл қўймаслигини таъкидлади.

ҚОНЛИ ВОҚЕАЛАР ТАШКИЛОТЧИСИ АНИҚЛАНДИ

Покистон махсус хизмат вакиллари Пешаворда юз берган қонли воқеаларнинг асосий ташкилотчисини аниқлади. Мамлакат полиция бош бошқармаси бошлиғи Мақсуд Шоҳнинг маълум қилишича, ушбу қонли ҳаракатларни содир этган экстремистик гуруҳларнинг раҳбари Абдул Матин исмли одам экан.

Мамлакат тартиб посбонларининг маълумотларига қараганда, Абдул Матин Афғонистон фуқаросидир.

САМОЛЁТДА ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИЛДИ

Ҳиндистон ҳукумати ўтган йилнинг 24 декабрида Деҳли аэропортига мажбуран қўндирилган АН-26 самолётини ҳамон ушлаб турибди.

Самолётнинг 9 экипаж аъзоси эса мамлакат махсус хизмати вакиллари назорати остида меҳмонхонада сақланмоқда.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлиги талаби билан самолётда «расмий текширув» ўтказилди. Текширув натижасида самолёт юкхонасидан Ми-17 вертолётининг эҳтиёт қисмларидан бошқа ҳеч нарса топилмади. Бу эҳтиёт қисмлар ушбу самолётда Татаристон пойтахтидан Катмандуга олиб кетилаётган экан.

ЭХУД БАРАКНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Эрон 2001 йилга бориб ўзининг ядро бомбасини яратади, деб баёнот берди Исроил ташқи ишлар вазири Эхуд Барак мамлакатга расмий ташриф буюрган Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан суҳбати чоғида.

«Эрон ушбу мақсадига эришиши учун собиқ СССРдан атом мутахассисларини олиб келишга ҳаракат қилмоқда. Баъзи «хорижий компаниялар»нинг хизматидан фойдаланиб, айрим зарурий қисмларни ҳам ўша томондан топишга уринмоқда», деди жумладан, Эхуд Барак.

УКРАИНАГА РАСМИЙ ТАШРИФ

АҚШ мудофаа вазири Уильям Перри 1996 йилнинг 4-5 январь кунлари Украинага расмий ташриф буюради, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

Ташриф давомида У.Перри Николаевск вилоятининг Первомайск шаҳридаги қитъалараро баллистик ракета ишчи қурилмасини яроқсизлантириш жараёнини бориб кўради. Шунингдек, у бу ерда жангчи ракетачилар учун янги шаҳарчанинг очилиши маросимида иштирок этади.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Ўзбек феъли

ТЎҚИЛМАГАН ҲИКОЯЛАР

• Қайси киши силаи раҳм қилиб, қариндошларига садақа ёки фақирларга бирор нарса беришни бошлаган бўлса, Оллоҳ таоло унинг молини зиёда қилади.

• Ким дуом қабул бўлсин, мушкулим осон бўлсин деса, муҳтож, фақир кишиларни ғамдан чиқарсин.

РОБИ ХОЛА

Ўзбегимнинг ҳалоллик, поклик, заҳматкашлиги билан бирга баъзан ўта соддалиги ҳам бор. Бундай кишиларни худо яратганича қолган, дейишади. Уларга на давр ва на тузум таъсир қилган.

Роби холамиз бўлгучи эди. У қайнонамнинг опалари бўлиб, фарзанд кўрмаганди. Эрлари вафотидан кейин бир ўзлари қолган. Ўта оққўнгил, ўта ишонувчан бу аёл саксонга яқинлашиб қолганларига қарамай, ёшликдаги чиройларини у қадар ҳам йўқотмаганди. Эрларига ҳамма «уста амаки» деб мурожаат қилишарди. Ўзларига анча тўқ ҳаёт кечиришганди.

Ёлгиз қолганларидан сўнг уруғларидан баъзан у оила, баъзан бу оила олиб кетарди. Шу қаторда биз ҳам.

Куз келди дегунча қиш учун қариндошлардан бири ун, иккинчиси гуруч, Кўктерақдаги жигарлари эса картошка, пиёзни ғамлаб беришарди. Ўз уйларида қолган кунларда унинг иссиқ-совуғидан қўни-қўшнилар доимо хабар олиб туришарди. Айниқса, ён қўшнилари Исроил амаки кўп меҳрибонлик кўрсатарди. Бирор тансиқ таом тайёрланадиган бўлса, Роби холасиз у кишининг томоғидан ўтмасди. Яширмайман, ўша даврда кишилар ўртасидаги меҳр-оқибатни ҳамиша ҳавас ва ҳаяжон билан эслайман. (Буни қарангки, ўша пайтда ахир қариялар уйи борку, деган фикр бирор одамнинг хаёлига ҳам келмаган. Шу сўзларни айтганим учун кечир, мени яратган Эгам, астағфурулло...) Қариялар уйи ҳақида айниқса, фарзандлари бўла туриб шу даргоҳда Худо берган умрининг охирги йилларини ўтказаётганлар тўғрисида бирор мақола ўқисам ёки эшитсам дилим ўртанади, шу заҳотиёқ Роби холани эслайман. Ўша даврдаги кўнгли очиқ, саховатпеша, савобталаб одамларни эслайман.

Бизникида бўлган кезларда ҳам қўлларидан келганча уй юмушларига қарашардилар. «Холажон, қўйинг бу ишларни, қизларим кўп, улардан ортмайди ҳар қанча юмуш» десам ҳам тиниб-тинчимасдилар. Афтидан, боқиманда бўлиб ўтиришни ўзларига эп билмасдилар. Жилла қурса, ўз виждонларини бироз бўлса ҳам тинчитиш қўйида шундай қилсалар керак, деган хаёлларга борардим. Яна билмадим. Текинтомоққа, тайёр ошга баковул бўлиб ўрганмаганлар, диёнат бунга йўл бермасди.

Хуллас, бошқа қариндош-уруғлар қаторида бизникида ҳам ўнўн беш кун, баъзан бундан ҳам зиёдроқ турардилар. Шу соддадил, жаннати аёл билан боғлиқ икки лавҳани эътиборингизга ҳавола этмоқчиман.

ОЛИБ ҚОЧИБ КЕТСА, НИМА ҚИЛАМАН?

Бир куни кечга яқин хотиним билан меҳмондорчиликка борадиган бўлдик. Онаси кечки овқатни барвақт тайёрлаб, болаларга едириб-ичиргач, йўлга отландик. Далонга борган эдикки, Роби холанинг овози эшитилди:

— Дарвозани устидан қулфлаб кетаверинглар, мен хотиржам ўтираман.

— Ҳали соат олти ҳам бўлгани йўқ-ку, жуда эртамасми?

— Қизлар бемаҳалда кўчага чиқиб кетса, кўнглим безовта бўлади. Жон болаларим, мени хотиржам ўтирсин десангиз, айтганимни бажо айланглар.

Эр-хотин кула-кула дарвозани устидан қулфлаб кетдик. Кеч соат ўнлар чамаси уйга қайтдик. Фарзандларимиз холамиз атрофида айвонда ўтиришарди. Биз таажжубланиб сўрадик:

— Нега, телевизор қўймай, бу ердасизлар? Бугун қандайдир янги фильм кўрсатишлари керак эди, билишимча.

— Кино ҳозир кетяпти, — деди қизларимдан шаддодроғи.

— Бўлмаса, нега томоша қилмайсизлар?

— Холам кўрсатмадилар.

Ҳайрон бўлиб Роби холага қарадик. У киши аввалига ноқулай аҳволга тушгандай бўлдилар. Лекин тезда ўзларини ўнглаб олиб, жиддий равишда дедилар:

— Шу десангиз, қарасам ҳаммаёқни милтиқ кўтарган, қилич таққан кишилар босиб кетди. Улар орасида босмачилар ҳам бор эди. Биз томонга бир-икки бор тикилиб-тикилиб қарашди. Ҳаҳ, дедим, бу қизларнинг ҳозир уйда ота-онаси йўқлигини билиб қолса, борми унда мен нима қила олардим? Оти билан биттаси чиқса-ю, қизлардан бировини эгарига ўнглаб олиб қочиб кетса у ёғи нима бўлади? Мен сизларга нима деб жавоб қиламан...

Ўзимизни кулгидан аранг ушлаб турардик. Роби хола эса ҳамон ўшандай жиддий равишда сўзлашда давом этардилар.

— Ёшлик давримизда маҳаллаларга қора чарм пальто кийганлар келиб, босмачи келса қочинглар, улар бойликларингизни талаб, хотин-қизларни олиб қочиб кетадилар, деб кўп бор айтишган. Ўшандан бери биламан уларнинг шундайлигини. Булар нимани биларди, — холамиз тушмагур ўша жиддий ҳолатда туриб қизларимга ишора қилдилар.

Нима ҳам дердик, у киши шу қадар ишонч билан гапирдиларки, кулиб юбориш одобдан бўлмасди. Шу боис гапни узоқдан айлантирдим.

— Китобларда воқеалар ҳикоя қилиб берилади. Мана, олайлик, «Минг бир кеча», эшитгансиз-а, — холамиз «ҳа» дегандек бош силкиб қўйдилар. — Кинода ана шу воқеалар ҳаракатда берилади. Ўша сиз кўрган кишилар ҳамма ўзимизнинг одамлар. Уларга ҳар хил кийимлар кийдириб, афт-ангорларини ўзгартириб, бирини у томон-бирини бу томон кишилари қилиб кўрсатадилар. Тушундингизми?

Холамиз ўзларини тутишларидан гапларимизга инонқирамай турганлари шундоққина сезиларди. Шу пайт қизларнинг каттаси уйга кириб, бир қанча артистнинг расмини олиб чиқди.

— Мана, хола, қаранг, халиги кинода кўриб, қўрқиб кетган кишингиз мана шулар бўладилар.

— Буни соқоли йўқ-ку,

— Соқолни ясашиб, сўнг даҳанига ёпиштириб қўядилар.

— Йўғ-э, бўлмаган гап, — холамиз тушмагур ҳамон ён босгилари келмасди. Қизим бошқа бир расмни олиб кўрсатиб деди:

— Буниси эса ҳалиги мўйловли киши, болани қутқариб қолди-ю, ана ўша...

— Бу расмда мўйлови йўқ-ку, — дедилар яна.

— Театрларда, кино олувчи жойларда шундай усталар бор. Улар мўйлов, соқол, соч ясашади, кейин ўша ижро этадиган одамига қараб лабининг тепасига мўйловни, даҳани тагига соқолни, бошига эса ясама сочни ёпиштириб қўйишади, билдингизми?

— Ё тавбангдан кетай, — хола қўйлакларининг олд томонидаги ёқаларини бироз кўтарган бўлиб «туф-туф» деб қўйдилар.

— Ўша сиз ҳозир расмини кўрган кишилар Ҳамза театрининг артистлари, — дедим мен улардаги иккиланишларни тарқатиб юбориш ниятида. — Худо хоҳласа бир куни ўшаларнинг томошасига олиб бораман сизни, майлими?

— Менга зарил келгани йўқ, тумонат одам тўпланадиган жойга бориб. Ундан кейин пардали-пардасиз сўзларини эшитиб, гуноҳимни кўпайтирайми? Сира кераги йўқ-да...

Нима ҳам дердим, тортишишни бас қилдик. Биз у кишини ўшанда ишонтира олдикми, йўқми билмадик.

Ўзбегим-э, ўзбеккинам, баъзан шу қадар соддасанки, худди гўдак деб ўйлайди киши.

МЕНИ ЎН САККИЗ ЯШАР ФАҲМЛАБ...

Ўша гаплардан сўнг билмадим, қанча вақт ўтди. Дам олиш куни эди. Кечқурун овозаси кенг тарқалган ашулачининг концерти бор эди телевизорда. 60-йилларнинг бошларида у шу қадар машҳур эдики, концерт залларига кириш учун унақа-бунақа одам чипта тополмасди. Эсимда, «Жангоб»даги ёзги саҳнада концерти бўлганида ичкарига киролмай қолган кишилар девор тепасига мингашиб, дарахтларга чиқиб томоша қилишганди. Ўша пайтда телевизор анча тансиқ эди. Шундан бўлса керак, яхши кўрсатув бўлса, барвақт овқатланиб, ҳаммаёқни тезда йиғиштириб, бамайлихотир томоша кўришга ҳозирлик бўларди.

Хуллас, концерт бошланди. Кўп ўтмай, Роби холамиз аста ўринларидан туриб ҳовлининг оёқ томонидаги болалар ётадиган хоналарга қараб кета бошладилар.

— Олиб келинглар, у кишини, бу кино эмас, қўрқмасинлар, биз билан бирга мириқиб томоша қилсинлар, — дедим.

Бир пайт хотиним кулимсираб қайтиб келди.

— Ҳа, нима гап? — деб сўрадим.

— Вой, холам тушмагур-э, ашула бўлади, босмачиларни кўрсатишмайди, десам, нима дейдилар денг: «Вой, тағин ҳалиги иштони бор-йўқлиги даргумон қизлар чиқиб, ўйнаса, оёғини осмонга кўтарса, эрингнинг олдида ер ёрилса-ю, ерга кириб кетганим яхшимасми? Қай юз билан эркак кишининг олдида бунақанги беҳаё нарсаларга қараб ўтираман. Йўқ, бормайман, сенлар ҳам қаранглар...»

Зўрга тушунтирдим, кўрадиганингиз балет эмас, фақат ашула бўлади, агар ўйини бўлса ўзимизнинг узун атлас кўйлак-лозимдаги қизлар чиқишади, деб аранг кўндирдим. Вой, холамиз тушмагур-э...

Бироздан сўнг ийманибгина Роби хола кириб келдилар. Оёқ учида юриб, бир чеккага ўтирдилар. Экранда ҳалиги ҳофиз завқ-шавқ билан куйларди. Ҳаммамиз маҳлиё бўлганча қотиб қолганмиз. Барча нарса унут эди биз учун.

— Вой-вой, бетингдан олгур, бетамиз, бу нима қилиқ, вой, беҳаё, — қарасак Роби хола экранга тикилган ҳолича ашулачини роса боплаяптилар. Аввалига ҳеч нарсани тушунмадик. Холамиз уни қойишда давом этардилар.

— Ҳа, холажон, нима гап? — сўрашга мажбур бўлдик.

— Кўрмайсизми, мени ўн саккиз яшар фаҳмлаб, кўз қисяпти, бир индамадим, икки индамадим, қарасам, яна кўз қисиб, имлаяпти. Вой қора босқур-э, вой шарманда, ахир мен бувинг тенги одамман-а...

Бу сафар ўзимизни тутиб туришнинг сира иложини қилолмадик. Ашула у ёқда қолиб, барчамиз холамиз томон ўгирилиб олдик. Қаҳ-қаҳамиз узоқ давом этди. Вой, холажон-э, соддалигингиз бор бўлсин...

Шу воқеаларга салкам қирқ йил бўлди. Ўша беғубор, оққўнгил, Худо яратганича қолган покиза инсон — Роби холамизни эсга олганимизда ҳамон мийигимизда кулиб қўямиз. Илоё, у кишини Худо раҳмат қилган бўлсин...

Исмоил СУЛАЙМОНОВ.

Ўзбекистон ва жаҳон

ИНДОНЕЗИЯДА СОҲИБҚИРОННИ ЯХШИ БИЛИШАДИ

Индонезия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси доктор Е.П.Хонгговонгсо ўз вазифасини адо этишга киришиши муносабати билан матбуот ходимлари учун конференция ўтказди. Ҳурматли элчи Индонезия ва Ўзбекистон ўртасида ўрнатилган яхши дўстлик алоқаларининг ривожланиб бораётганлиги, қадимий алоқалар, ҳамкорлик уфқлари ҳақида гапириб берди ва мухбирларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

«Ўзбекистон овози» газетаси мухбирининг 1996 йилда буюк бобомиз Амир Темур туғилганининг 660 йиллик таваллуди муносабати билан бу воқеага муносабатингизни билдирсангиз деган саволига қуйидагича жавоб берди:

— Биз индонезияликлар мактабда ўқиган чоғимизда дарсликларимиздан соҳибқирон Амир Темур ҳақида кўп нарсаларни билиб олганмиз. Менинг мамлакатим тарихчилари унинг фаолиятини чуқур ўрганишмоқда. У зот ҳақида бир қатор адабиётлар бор. Бобонгиз таваллуди катта аҳамиятли тадбир бўлади. Индонезияда бундай тадбирлар ўтказилиши мақсадида ўзбек зиёлилари билан ҳамкорлик қилиш ниятимиз бор. Бундан ташқари мамлакатим мусулмонлари буюк аллома Имом Бухорийнинг ҳадисларини жаҳон ислом дурдоналари сифатида севиб ўқишади ва ўрганишади.

Абдулла ПЎЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Иқтисодиёт олами

ГАЗЛАШТИРИШ ОДИМЛАРИ

Қорақалпоғистоннинг Чимбой тумани овуллари газлаштирилмоқда. Шоличиликка ихтисослаштирилган П. Сеитов номли, «Маиёп», «Қизилўзак» хўжаликларидаги хонадонларни газлаштириш тугалланди. Фақат Янги йил арафасидагина 9,5 километрлик узунликдаги газ қувурлари ётқизилди.

Туманнинг чекка Қ. Авезов номли жамоа хўжалигининг А. Сапарбоева номли бўлимига ҳам Янги йил арафасида табиий газ келди. Бўлимнинг 30 тадан кўпроқ хонадони газлаштирилди. Бу ишларни амалга оширишда «Қорақалпоқирмонтаж» қурилиши трестига қарашли 5-махсус кўчма механизациялашган жамланмаси қурувчилари, муҳандис-техниклари катта жонбозлик билан иш олиб бормоқдалар. 1996 йилда тумандаги барча хўжаликлар, овуллардаги хонадонларни тўла газлаштириш режалаштирилган.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЗАРАФШОН АВТОБЕКАТИ

Зарафшон шаҳри кун сайин чирой очмоқда. Қисқа вақтда замонавий турар жой бинолари, маданий-маиший масканлар қад ростлади. Янги йил арафасида олтинтопарлар шаҳрида яна бир объект ишга туширилди. Бу ерда соатига 50 нафар йўловчига намунали транспорт хизмати кўрсатадиган автобекат фойдаланишга топширилди.

Қарийб 12 миллион сўм маблағ сарфланиб, шарқона услубда, ёғоч ўймакорлиги асосида қурилган бу йўловчилар манзилгоҳини шаҳар қурилиш бошқармаси қурувчилари бунёд этишди. Шуниси қувончлики, автобекатда нафақат чиптахона ёки кутиш зали, балки ошхона, меҳмонхона, болалар ва оналар бўлими, тиббиёт пункти ҳам бўлиб, йўловчилар улардан тўла баҳраманд бўлишмоқда. Худди шундай байрам арафасида Конимех тумани марказида ҳам соатига 25 йўловчига транспорт хизмати кўрсатадиган янги автобекат фойдаланишга топширилди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАҚСАД – САВДО ХИЗМАТИНИ ЯХШИЛАШ

Ўзбекистон Республикаси товар хом ашё биржасининг доимий ишловчи ярмаркаси Пастдарғом туман Жума шаҳрида халқ истеъмоли моллари савдосини ўтказди. Бундан мақсад туман қишлоқ аҳолисининг халқ истеъмоли молларига бўлган талаб ва таклифини ўрганиш эди. Савдога 250 дан ортиқ, 190 миллион сўмлик маҳсулот қўйилди. Ларни сотиб олиш учун жойлардаги кўплаб ишлаб қарувчи ва савдо ташкилотларидан юздан ортиқ киш қатнашди. Кўргазма давомида 78 миллион лик 17 та шартнома имзоланди.

Аббос АЮПОВ.

Иқтисодиёт олами

АДОЛАТ ВА ОЗОДЛИК – ДАСТУРИНГИЗ, РАҲБАРИНГИЗ БЎЛСУН!

Амир ТЕМУР.

Дунёда шундай устувор ҳақиқатлар бўладики, улар башарнинг мангулигига тамал тошини қўядилар. Бугун соҳибқирон бобомиз Амир Темур номини юртдошларимиз ана шундай мангулик туғи янглиғ баланд кўтармоқдалар. Бу туғ бутун жаҳон узра виқорли ҳилпирамоқдаки, ЮНЕСКО раҳнамолигида ул зотнинг 660 йиллик тўйини ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Элнинг буюклари ҳақида шу юртнинг фозиллари сўз айтмоғи лозим бўлганидек, суюкли шоиримиз Абдулла Орипов муборак тўй арафасида ўзининг «Соҳибқирон» деб номланган беш саҳнали шеърий драмасини ёзиб тугатди. Қуйида шу асардан бир саҳнани ўқувчилар эътиборига ҳавола этаяпмиз.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири.

СОҲИБҚИРОН

(Шеърий драмадан парча)

(Туркистонда Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси. Тонг пайти мақбара эшигидан Амир Темур ҳорғин ҳолда чиқиб келади. Уни оппоқ соқолли, нуроний бир дарвиш қарши олади).

Дарвиш

Ассалому алайкум!

Темур

Ваалайкум ассалом!
Биздан олдин салом фарзин адо этдингиз,
Валлоҳ биздан улуғ эрур Сизнинг ёшингиз
Сиз кимдирсиз, субҳидамдек нуроний бобо?

Дарвиш

Мен бул жойга келиб-кетиб турғувчи дарвиш,
Сизни эса биз танийміз.
Сиз Амир Темур.
Аълоҳазрат, тунни яхши ўтказдингизми?

Темур

Бобомизнинг пойларида бедор ўлтириб,
Руҳларига ором сўраб тиловат қилдим.

Дарвиш

Ғоят мақбул!
Шод бўлғувси руҳлари бешак,
Бизнинг улуғ Хожамизда каромат бисёр.

Темур

Тонгга яқин бир дақиқа кўзим илинмиш,
Ўшал онда ҳазрат гўё намоён бўлди.

Дарвиш

Бир султонга меҳмон бўлса иккинчи султон,
Мезбон томон илтифотлар қилгай, шубҳасиз.

Темур

Йўқ, илтифот қилмадилар, афсус, минг афсус,
Ҳолбуки мен болаликдан ўсиб-улғайиб
Бир нафас ҳам ул ҳазратга пиак келтирмадим.
Боборакот сулукига содиқлигимдан
Қурган эдим маҳобатли бул мақбарани.
Ёнларида тикдим, ана, чодиримни ҳам.
(Темур мақбарага яқин жойдаги чодирини кўрсатади)
Атрофимда минглаб эмас, юзминглаб лашкар
Хожа Аҳмад Яссавийга талпинмоқдалар.

Дарвиш

Сиз қай томон отланмишсиз? Йўлингиз қаён?

Темур

Ё, Аллоҳ деб юриш қилдим Чин тарафларга.
Бул азиз зот руҳи мени қўлласа дердим.
Тупи бўйи вужудимда сездим бир оғриқ
Бунинг акси бўлмоқлиги керак эди-ку?!

Дарвиш

Сўнгги юз йил Туркистонда, Турон заминда
Бундай совуқ бўлмаган ҳеч,
Даҳшатли совуқ.
Бир нафас ҳам кўз очирмас изғирин, бўрон.
Кўзда ёш ҳам тўнғиб қолар соққадан чиқмай.
Илло, совуқ қолиб келмиш вужудингизда.
Аълоҳазрат, мен фақирни маъзур тутгайсиз,
Сафар қилмоқ шарт эдими шул қаҳратонда?

Темур

Сиз билмайсиз, ғаниматдир ҳар бир фурсатим,
Лашкарларим эса обдон чиниққан, жасур.
Совуқни ҳам улар ёвдек енга олади.

Дарвиш

Модомики, танангизга кирмишдир оғриқ,
Саксовулнинг оловида тобланинг, амир.

Темур

Саркарданинг таҳликаси — ожизлик демак,
Мен лашкарга ибрат бўлиб турмоғим шартдир.
Хайр, дарвиш!

Дарвиш

Хайр, Амир!

Темур

(Дарвишга қўл узатиб хайрлашаётганда бирдан нидо қилади).
Ё қудратингдан!

Дарвиш

Қўйворингиз қўлимни тез!

Темур

Йўқ, қўйвормайман!
Сиз Ҳизрсиз.
Бесуякку бошбармоғингиз.

Дарвиш

Қўйвор, Амир!

Темур

Қўйвормайман!
Аллоҳга шукр.
Тағин Сизга дуч келибман эллик йил ўттач.

Ҳазрати Ҳизр

Ҳа, Ҳизрман.
Тилагингни эшитмоғим шарт.
Йигит чоғинг кўрингандим сенга илк дафъа.
Аммо энди нима етмас сенга, Жаҳонгир?
Яратганнинг ирода-ю иноятн-ла,
Ер юзининг қоқ ярмини қўлга киритдинг.
Тожу тахтинг, хонадонинг, ҳадсиз мулкинг бор.

Темур

Барчаси бор.

Ҳазрати Ҳизр

Унда яна нима истайсан?
Фақаттина, Темур, мендан умр тилама.

Темур

Яратганга шукр дейман барчаси учун
Қанча умр берган бўлса шунча яшарман.
Йиллар бўйи қийнаб келган саволларимни
Ечсам дейман суҳбат қуриб бир Инсон билан.

Ҳазрати Ҳизр

Сен дунёнинг неча улуғ зотлари ила
Мулоқотда бўлдинг, ахир, шу етмадими?

Темур

Қовоғимга қарашарди, афсуски, улар,
Дилларини очмадилар одамга ўхшаб.

Ҳазрати Ҳизр

Унда кимни хоҳлайсан сен, сўйла-чи, Темур?

Темур

Яссавийни кўрсатингиз, сўровим шулдир.

Ҳазрати Ҳизр

Аллақачон кеттан ул зот боқий дунёга,
Олам бўйлаб кезиб юрар руҳлари лекин.
Подшоҳларни худойимнинг сояси дерлар.
Соҳибқирон истагини рад этмоқ мушкул.
Сен тасаввур айла, Темур, шу сониядан
Мана, ҳозир Чин томонга лашкар торттанман,
Агар уни маҳв этмасам, мени маҳв эттай.

Яссавий

Эвоҳ, яна нафс дунёда тантана қилмиш.
Нафснинг кучи голиб келмиш икки ёқда ҳам.
Шул сабабдан, тушингда мен намоён бўлдим
Рўйхуш бермай, безовта-ю тунд қиёфада.
Во ажабо, иккимиз ҳам битта элданмиз,
Тилимиз бир, динимиз бир, иймонимиз бир.
Бир хил юмуш юкланмишдир иккимизга ҳам.

Темур

Сиз ер ости, мен устида лашкар тузибмиз.

Яссавий

Сен куч билан, мен сўз билан, бошқардик уни.
Бироқ сенинг йўруғингни ёқлайолмайман.
Воз кеч, Темур, бу хатарли Чин сафаридан,
Ёш бир жойга бориб қолгач, узлат афзалдир,
Яссавий— мен!
Мен — Яссавий!
Тайёрман, мана!

Темур

Тинсиз жангу жадал билан ўтди ҳаётим
Балки қанча умрларга зомин бўлганман.
Охиратда этагимдан тутмасми улар?

Яссавий

Аллоҳимнинг хоҳишига мувофиқ келса
Икки дунё савоб эрур ҳар қандайин иш.
Айт-чи, Темур, сен бесабаб қон тўкканмисан?

Темур

Адолат ва дини Ислом ҳимояси деб
Ер юзини фатҳ айладим, тартиб ўрнатдим.

Яссавий

Улуғ, эзгу ниятларнинг рўёби учун
Жангу жадал, куч ишлатиш шартмикан, амир?
Энг аввало, ҳар бир банда нафсини тийсин,
Бу дунёнинг неъматлари алдамчи, рўё,
Охиратни ўйлаганлар комил бўлгайлар.
Тотлик-тотлиғ еганлар, турлик-турлик кийганлар,
Олтин тахтда ўтурғонлар туфроқаро ётмишлар.
Мулло муфти бўлғонлар, ёлғон даъво қилғонлар
Оқни қаро қилғонлар, ул томутга кирмишлар.

Темур

Магар инсон ўз нафсини тия олмаса
Уни мажбур қилмоқ лозим, чораднр бу ҳам.

Яссавий

Ният қанча жозибали бўлса ҳам, Темур,
Қилич билан мурод ҳосил бўлмоғи гумон.
Сендан кейин билганини қилар одамзод.
Инсонларнинг шуурига муттасил, тинсиз
Қаноат ва инсоф ҳиссин сингдирмоқ керак.
Ураберсанг ғаюр тортар ҳаттоки ит ҳам.

Темур

Мен дунёда ҳудди итдек талашиб ётган
Баднафс, юҳо кимсаларнинг оғзини ёпдим,
Ўзингиз-чи, ер тагига тириклай кириб,
Не каромат кўрсатдингиз?
Нима ўзгарди?

Яссавий

Юзим ёруғ бордим тангри остонасига,
Мўминларга сабрим билан ибрат бўлолдим.
Ҳикматларим ўлмай яшар, инсофга чорлаб.
Ер остига қочиб кирдим подшолардин,
Илким очиб дуо тилаб мардонлардин.
Ғариб жоним юз тасаддуқ доноларидин,
Доно топмай ер остига кирдим мано.

Темур

Ҳа, инсонлар ер юзида комил бўлолмас,
Ахир нурдан яралмаган инсон боласи.
Исботи бул:
Шайтон ҳануз ишсиз эмас-ку!
Кўча-кўйда тўп-тўп бўлиб зикр тушишдан
Бир манфаат чиқармикан?
Не дейсиз Ҳазрат?

Яссавий

Нега алла айтишади оналар мудом,
Нега Қуръон ўқилади қироат билан?
Улар таъсир эттай аввал Инсон қалбига,
Эзгуликка мойил қилар ёвузларни ҳам.
Ғаribларни кўрган ерда оғритмангиз,
Ғаribларга аччиғланиб сўз қотмангиз,
Заиф кўриб ғаribларга сўз қотмангиз
Бу дунёда ғаribликдек бало бўлмас.

Темур

Ҳазрат,
Сизнинг ҳикматингиз дилимга жойлаб,
Куч билан мен ғаи уқдирдим инсониятта.
У дунёнинг сафарига тадорик лозим.
Бу дунёда югрук отга минғучилар,
Ҳарб кунида муборизлик қилғучилар,
Олмос-пўлад қилич-қурни чоғучилар.
Ажал келса бегу-хонни қўймас эрмиш.

Темур

Мен умримда ғайри динлар баробарида
Хафа қилдим балки қанча бошқаларни ҳам,
Буни талаб этар эди ахир адолат.
Энди эса, тўкилган у қутлуғ қонларни
Мажусийлар қони билан ювмоқчиман мен.
Мен уларнинг зуғумини бир ёқли қилмай.
Бу дунёдан кетолмасман, қатъий аҳдим шу!

Яссавий

Қайттин, Амир!
Ҳар неки иш тақдирдан бўлгай.
Сени қисмат кутаётир, ўзингни урма.

Темур

Қуллуқ, Ҳазрат!
Менга зафар тиланг, яхшиси,
Гадолик ҳам қисмат эрур, шоҳлик ҳам қисмат.

Яссавий

Бошинг тошдан бўлсин, Амир!
Қул Хожа Аҳмад сўзлагани Ҳақнинг ёди,
Эшитмаган дўстларига қолсин панди,
Ғурбатланиб ўз шаҳрига қайтиб ёнди,
Туркистонда мозор бўлиб қолдим мано.

(Яссавий ғойиб бўлади. Темур бетоб бир аҳволда тепаликка — чодири томон кўтарила бошлайди).

Темур

Ўнгимми бу ё иситма алангасими?
Аввал Дарвиш, кейин Ҳизр, сўнгра Яссавий...
Биз билмаган сир-синоат кўндир оламда.
Гоҳи-гоҳи айтар эди раҳматли отам,
Менинг фотиҳ бўлишимни тушда кўрганин.
Кўп ғалати суҳбат қурди анави зотлар,
Балки улар ростдан келди, балки хаёлдир...
Не бўлса ҳам Инсон зоти ёлғиз қолмасин,
Ҳеч бўлмаса ғаплашсин у ўз-ўзи билан.

(Темур оғир тин олади)
Вужудимда кучаймоқда тобора оғриқ,
Шуурими қоплаётир нохуш хаёлот.
Наҳот сўнгги сафарим бу! Сўнгги манзил бу?
Йўқ!
Вужуднинг найрангига қулоқ солмасман.
Менинг руҳим метин қўрғон, асло қуламас.
Икки дафъа менга заҳар берган эдилар.
Неча бора қўқрагимга қадалди найза.
Бироқ ўлмай қолдим-ку мен,
Ўлмай қолдим-ку!
Магар ажал келганда ҳам, Самарқандимда
Болаларим қуршовида жон берсам дердим.
Мендан кейин салтанатнинг ҳоли не кечар!
Наҳот яна бошланади парокандалик?
Ҳар бир ишнинг оқибатин ўйламоқ даркор
Фарзандларинг уқувига кўзим етарми?
Барлос қони жўшармикан томирларида?!
Жаҳонгирнинг ўғли Мирзо Пирмуҳаммад-чи?
Бул набирам айни пайтда она томондан
Олтин Ўрда тахтига ҳам ворис бўлолгай.
Балки унга топширурман валиаҳдликни.
Эҳ-ҳе, ҳали қанча гап у купларгача.

(Темур ўз чодири олдига чиқиб боради. Уни амирлар, саркардалар ва бошқалар қарши оладилар)

Сибириё совуғидан баттар бу совуқ,
Лашкаримнинг ҳоли нечук?
Тетикми руҳи?

Барлос баҳодир

Олампаноҳ, ҳуш кўрасиз рост ғаши доим,
Лапжлик бордир аскарларнинг кайфиятида
Қаҳратон қиш таъсиридан албатта, бу ҳол.
Аълоҳазрат, Сиз ортиқча мўйларин қириб
Гўзал ҳуси бахш этдингиз ер деган бошга.

Темур

Иккиси ҳам ташвишлардан ҳоли бўлолмас.
Ҳа шоҳларга суянгайдир юртда фуқаро
Аммо кимга суянсинлар шоҳларнинг ўзи?!
Магар вошуд фарзандинн эплай олмаса
Подшоҳ кимга дардин айтиб, кимга арз қилсин?!
Ногаҳонда ноҳақ ҳукм чиқариб қўйса
Эл олдида у ўзини дорга тортсиними?!
Унинг ўзи танлаб олган маслаҳаттўйлар
Магар нобоп чиқиб қолса, кимни айбласин?!
Товонига кирса агар чақиртиканак
Аламидан экинзорин пайҳон қилсинми?!
Сиз тупларн ухлагайсиз оёқ узатиб,
Шоҳни эса тергаб чиқар уйқоқ виждони.
Ҳой, сартарош, имиллама, битказ ишингни,
Ногаҳоний оғриқ кирди бошимга шу кез.

Сартарош

Қаҳратонда соч олдирманг демоқчи эдим,
Бироқ Сизнинг раъйингизни ким ҳам қайтарур.
Ишим битди!

Темур

Биттан каби менинг ҳам ишим...

(Ясовулга)
Чодиридан чақирингиз Бибихонимни,
Пирмуҳаммад ва Улуғбек бирга келишсин.
(Амирлару саркардаларга)
Менинг содиқ амирларим, саркардаларим,
Ғапларимга қулоқ тутинг, ваҳима қилманг,
Умидворман, якдил бўлиб, мендан кейин ҳам,
Салтанатта садоқатни сақлаб қолгайсиз.

Амирлар, саркардалар

Олампаноҳ, салтанатнинг Сиз-ку таянчи,
Сизга боқий умр тилаб, камарбастамиз.

Темур

Ана, икки Мирзо билан келди Малика
Бамисоли қўш юлдузни етаклаган ой.
(Бибихоним, Мирзо Улуғбек, Мирзо Пирмуҳаммад таъзим ила яқин келадилар)

Бибихоним

Аълоҳазрат, йўқламишсиз...

Темур

Безовта қилдим,
Безовталик таъқиб этар зеро бизни ҳам.

Бибихоним

У қандайин безовталик?
Бонси нима?
Аълоҳазрат, юзингизда нечун ҳорғинлик?

Темур

Юрагимда томчи-томчи ғаплар йиғилмиш,
Мен уларни тўкай дерман Сизга, Сизларга...
Сен ёнимга яқинроқ кел, Мирзо Улуғбек.

Мирзо Улуғбек

Аълоҳазрат!..

Темур

Ҳазрат эмас,
Бобо дегил,
Бобожоним де.
Сени тийрак набирам деб суюб юраман.
Иштиёқинг бисёр эмиш илму урфонга.
Юлдузларнинг тилини ҳам уқар эмишсан.
Орзу эттум, пайти келиб, менинг наслимдан
Зора осмон илмининг ҳам сардори чиқса
Юлдузларнинг яхши ғаплар айтсин, илоҳи,
Улар сенга эзгуликдан берсин дараклар.
Ўша кезлар бобожонинг юлдузини ҳам
Назарингдан қочирмагин, Мирзо Улуғбек.
Мен-чи осмон пештоқидан абадий бедор
Фахр билан кузатурман ҳар бирингизни.

Бибихоним

Аълоҳазрат, бундай ғамгин ўгитлар нечун,
Ғапларингиз юрагимни тилкаламоқда.

Темур

Ҳеч бир банда бу дунёда мангу қололмас,
Туғилмоқлик бор экан-ки, ўлмоқ ҳам бор ғаи.
Фоний дунё Искандарга вафо қилдими?
Ёки вафо қилганмиди Чингизхонга у?
Вужудимни мудҳиш оғриқ тамом чулғади.
Бориб етди у миямнинг тубига қадар.
Ғоят аниқ кўринмоқда умрнинг шоми.

Бибихоним

(Амирларга)
Табибларни чақиринг тез!

Темур

Шошманг, Бибижон
Улгурамиз табибларнинг шифоларига.
Ахир мен ҳам шошмоқдаман, улгурай мен ҳам
Дилимдаги ғапларимни айтиб қолишга.

Бибихоним

Аълоҳазрат, бундай деманг.

Мирзо Улуғбек, Мирзо Пирмуҳаммад

Бобо, бобожон!

Амирлар, саркардалар

Олампаноҳ, Аллоҳ ўзи Сизни асрасин,
Толеимиз офтобисиз, сўнмассиз асло!

Темур

Баландпарвоз хитобларнинг маврудн эмас,
Болаларим, ҳушёр бўлиб тинглангиз мени.
Руҳим қуши учишга шай, англаб турибман,
Фойдаси йўқ, обидийда қилманг бекорга

(Бибихоним унсиз йиғлай бошлайди)
Ҳаётимнинг чароғбони,— азиз маликам,
Биби, Сиздан минг розиман, йиғламанг ортиқ,
Мендан сўнг ҳам ўктам бўлиб оналик қилинг
Салтанатта,
Фарзандларга,
Набираларга...
Ғарчи қолиб кетаётир қанча ниятим,
Мен суропли ҳаётимдан розиман, рози...
Буюк давлат барпо этдим,
Тангрига шукр,
Қўриқлангиз, уни Сизга қолдирмоқдаман.
Золимларнинг тааррузли қўлларини мен
Мазлумларнинг этагидан юлиб ташладим.
Маслак ила тариқатни ҳимоя айлаб,
Монеъ бўлдим имонсизлик, зўравонликка.
Сиз миллатнинг дардларига дармон бўлингиз,
Йўқсулларни асло бойлар зулмига берманг.
Орангизга сира-сира тушмасин нифоқ
Умр бўйи ҳазар қилинг мунофиқлардан,
Болаларим, хонлардан бўлинг эҳтиёт,
Инсон зоти кўп нарсага чидайди, аммо
Ғар адолат поймол бўлса — тоқат қилолмас
Адолат ва озодликни муқаддас билинг.
Йўлдошингиз бўлсин доим ақлу тажриба,
Ҳар кимларнинг қутқусига дафъатан учманг.
Агар менинг ғапларимга содиқ қолсангиз
Иншооллоҳ, бошингизга тош тушмагайдир.
Пирмуҳаммад Жаҳонгирни шу кундан бошлаб
Тожу тахтим вориси деб эълон қиламан.
Ушбу кундан эътиборан Самарқанд тахти
Унинг амру фармонида, ҳукмида бўлгай.
Сизлар унга мадад бўлинг,
Қўллаб-қўлтиқланг,
Токи олам бузилмасин, тўзмасин дунё.
Энди эса менинг содиқ қўмондонларим
Ёш амирга итоатнинг оминин айтинг!

Амирлар, қўмондонлар,

(йиғлашиб)
Соҳибқирон фармонига итоат айлаб,
Йиғлай-йиғлай омин, деймиз, Илоҳи Омин.

Темур

Жангу жадал орасида фурсат топган чоқ
Битик қилдим қоида-ю амалларимни.
Мен уларни атаганман Тузукот дея.
Умидворман, келажакда бу тузукларим
Асқотгайдир салтанату авлодларимга.

(Темур қўйнидан Тузукот китобини чиқариб, Мирзо Пирмуҳаммадга узатади).
Тожу тахтни мендек узоқ сақлай десангиз,
Қиличингиз ўйлаб чекинг, бўлинг ҳамжиҳат.
Шунқорларим, адолатни дастур қилингиз,
Энг аввало, Ватан ила Миллатни асранг.

Қосимбек

(ўқраб йиғлаганча)
Ташлаб, кетманг, Олампаноҳ, ташлаб кетмангиз.

Темур

Сен, Қосимбек, нега бундай ўқраб йиғлайсан,
Ангорада айтганимнинг устидан чиқиб
Мен набирам Зубайдани бердим-ку сенга,

Барлос баҳодир

Олампаноҳ, мунтазирдир Сизга табиблар

Темур

Энди кечдир.
Мен чодирга кириб кетаман.
Ундан қачон қайтиб чиққум?
Билмасман ўзим...

Бибихоним

(Фарёд солиб)
Олампаноҳ, ёнингизда бўлай то абад!
(Темур, унинг изидан Бибихоним чодирга кириб кетадилар)

Барлос баҳодир

Кўзимиздан ниҳон бўлди улуғ бир ҳаёт,
Унинг ёниқ нури эса ўчмагай асло.
Темур учун,
Миллат учун,
Ҳур Ватан учун,
Баҳодирлар,
Ҳамдаст бўлиб,
Қалқинг оёққа!

Тўйхат ўрнида

У КИШИНИ ТАНИЙСИЗ

Самарқанд вилоятидаги туманлардан бирида хизмат сафарида эдим. Кўп йиллик қадрдонлар билан гурунглашиб ўтирганимизда даврадагилардан бири сўз қотди:

— Меҳмон, шу Шукур Темуров деган одам билан шахсан танишмисиз?

— Нега сўраяпсиз?— саволга савол билан дедим мен. — У кишига бирор гапингиз бормиди?

— Йўқ. Гап шундаки, у кишини бир марта вилоятимиздаги йиғилишга келганларида узоқдан кўрганман. Маҳалла ишлари ҳақида жуда таъсирли гапиргандилар. Суҳбатларини ололмагандик-да. Шундан буён қачон телевизорда кўрсам болаларимга «Ана Шукур Темуров» деб қўяман. Сўраганимга сабаб: сиз шахсан танисангиз қанақа одамлиги ҳақида гапириб берсангиз девдим-да...

Дафъатан берилган саволдан ўйланиб қолдим. Очиғи, Шукур акага ҳавасим келди. Республикамизда у кишини четдан биладиган, бир оғиз каломларига мунтазир бўлиб юрганлар қанча! Шу маънода Шукур Темуровнинг сиймоси кўпларга яқин бўлиб, одамлар «Маҳалла» жамғармаси раисини жонли инсон сифатида билгилари келганини табиий ҳол деб ўйладим. Ҳамсуҳбатимга нима десам экан? Бугунги кунда бу инсоннинг қайси жиҳатларини айтсам. Аввало, унинг оддий халқ орасидан чиққанлигини айтайми? Ўзаро муомалада нозик дидли, юксак маданиятли эканлигини айтмай бўладими? Шуларни ўйладиму Шукур аканинг истарали сиймоси кўз олдимда жонлангандай бўлиб кетди. Хаёлимда «Ҳайҳай, кўп оширворманг, эл ичида юрганлардан ортиқча жойимиз йўқ» деб табиий камтарлик қилаётгандек туюлади. Ўзи шунақа: ҳақиқий фидойилар камтар бўлишади. Аслида пойтахтимизнинг энг намунали масканларидан бири — Абдулхай Тожиев номли маҳалла оқсоқоли бутун Ўзбекистондаги маҳаллаларнинг (улар сони 13 мингни ташкил этади) сардори эканлиги бу зоти шарифнинг кимлигини айтиб турибди. Тошкентнинг (нафақат Тошкентнинг) қайси маҳалласида бўлманг, «Шукур ака ўзлари йиғилишимизда қатнашдилар», «Гузаримиз очилишида мана бу нарсаларни Шукур ака совға қилгандилар» деган илиқ сўзларни меҳр билан айтишади. Шунча ишга қандай улгурганларига қойил қолмай иложингиз йўқ. Бир қарасангиз Тошкент давлат аграр университети талабаларига

профессор сифатида сабоқ бераётган бўлса, эртаси куни Исломобод маданий марказида катта тадбирга бошқош бўлганларини кўрасиз. Куннинг иккинчи ярмида республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази аъзоси сифатида давра суҳбатида қатнашса, янаги куни Олий Мажлиснинг Халқ демократик партияси фракцияси раиси ўринбосари сифатида жон куйдириб юрганига гувоҳ бўласиз.

Кўпчилик суҳбатига мунтазир бўлган Шукур ака чин маънода табаррук инсон.

Дарвоқе, Шукур Темуров ҳақида гапираман деса гап кўп. Мен у киши Ўзбекистоннинг биринчи мукофоти — «Соғлом авлод учун» биринчи даражали ордени билан мукофотланганини, кўксини «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони нишони безаб турганини айтмасам бўлмас.

1996 йил юртбошимиз фармонига биноан «Амир Темур йили» деб эълон қилинди. Ана шу муўтабар йилнинг бошидан Шукур Темуров 60 ёшга тўлди. Демак, соҳибқиронинг 600 йиллигида бу киши тавалуд топган экан. Буям яхши аломат. Хуллас, Шукур акани, четдан бўлса-да, танимаган одам юртимизда йўқ. Эл ташвишида жонини фидо қилувчи инсонлар қанча кўпайса шунча яхши.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

Ҳаяжон

ҚОРБОБОДАН ХАТ ОЛГАНМАН

Бундан 10-15 кун илгари тасодифан дуч келиб қолган бир танишим ҳол-аҳвол сўрашар экан: «Байрамларингиз билан...» деган жумлани ҳам қўшиб қўйди. «Ий-е! Бугун байрамми?» — ҳайратланиб сўрайман. У эса: «Нега байрам бўлмасин! Ахир Янги йил яқинлашяпти-ку, демак ҳар куни байрам-да!» — деб кулди.

Дарвоқе, чиндан ҳам Янги йил табриклари қиш чилласи кирмай бошланади ва январнинг ўрталарига қадар давом этади. Назаримда, арча байрами энг узун ва ҳароратли байрам. Хосиятли тун ҳам ҳаммамиз соғиниб кутадиган Янги йил оқшоми бўлса, ажаб эмас...

Янги йил одатда оилавий байрам ҳисобланади. Лекин тақдир тақозоси билан Янги йил кечасини гоҳ синфдошлар, гоҳ курсдошлар даврасида, гоҳ шифохонада, гоҳ йўлда — поездда ўтказишимга тўғри келган. Ҳатто, бир марта уни уйқуда (қандай тўш кўраркинман, деган хаёл билан) қаршилашни ҳам синаганман. Охир-оқибатда шу нарсага иқрор бўлганманки, уни қандай ҳолат ва қандай шароитда бўлмасин, ҳар қандай одам барибир хурсандчилик ва яхши ниятлар билан кутиб оларкан!

Тошкент давлат 1-тиббиёт институти даволаш факультетининг 5-курс талабаси Нигорахон РАҲМАТОВА билан суҳбатимиз ҳам ташқарида ёғаётган қор сабаб бўлдими, ишқилиб ўзўзидан қиш ва ишқ мавзусига боғланиб кетди.

— Нигора, қишни яхши кўрасизми?

— Кўп чўзилиб кетса, унчалик яхши кўрмайман. Лекин қор ёғаётган пайтда нафақат табиат, балки атрофимдаги барча одамлар кўзимга чиройли кўриниб кетади. Қиш менга болалигимни эслатади, шунинг учун уни яхши кўраман. Болалар ишонувчан халқ. Мен ҳам ўша пайтда ўрмонларга боргандек, Қорбобони кўргандек, эртак қаҳрамонлари билан учрашиб — ғаройиб саргузаштларни бошимдан кечиргандек бахтиёр ҳис қилардим ўзимни. 2-синфдалигимда онамларнинг маслаҳати билан Қорбобога хат ёзганман. Айнан Янги йил куни ундан: «Нигора! Хатингни олдим. Янги йилинг қутлуғ бўлсин!» деган жавоб келган. Ўша куни қанчалик суюнганимни билсангиз эди, Қорбобонинг тўрт қўнғироқчали гулқоғоз хатини ҳаммага кўрсатиб чиққанман. 6, 7-синфларга ўтганимда ҳам бу ажойиб воқеа ҳақида ўртоқларимга гапириб мақтаниб юрганман. Онамларнинг дастхати билан ёзилган ҚОРБОБОНИНГ ХАТИни ҳали-ҳали асрайман.

— Талабалик пайтимизда — аниқроғи, 15-20 йиллар олдин кўчакўйда, хиёбонларда, боғларда ошиқ-маъшуқларни кўп учратардик. Ҳозир эса улар сезиларли даражада камайган. Сиз буни нимани аломати деб ўйлайсиз?

— Сабабини айтолмайман. Балки севиш, муҳаббатга ишончнинг камайиб кетаётгани, ҳамма нарса ҳисоб-китобли бўлиб бораётганининг натижаси. Очиғини айтсам, мен китобларда ўқиганимни, киноларда кўрганимни ҳаётда ҳам учратгим келади. Тенгдошларимнинг, одамнинг ғашини келтирадиган даражада эмасу, ҳавас қиларли ҳолатда сайр этиб, суҳбатлашиб юришларини истайман.

Майли, йигитлар қизларга музқаймоқ олиб бермасинлар, кинога олиб тушмасинлар. Лекин чиройли жойларни, хиёбонларни айлантириб келишлари мумкин-ку! Менингча, бунинг сира ёмон жойи йўқ.

— Биттагина тилагингиз ижобат бўлиш шарти билан сеҳргар бўлиб қолсангиз, нимани сўрардингиз?

— Ер юзидаги жамики касалликлар бартараф бўлишини тилардим.

— Унда сиз нима қиласиз? Беморлар бўлмаса, шифокорлар ишсиз қоладилар-ку!

— Йўқ, ишсиз қолишдан сираям қўрқмайман. Агар тилагим ижобат бўлса, мен жон деб, маликалардек — оила аталмиш салтанатни бошқариб уйда ўтирган бўлардим.

— Янги йил кечаси қандай ўтишини хоҳлардингиз?

— Одатдагидан бошқача бўлишини, ҳар йилгидан яхшироқ ўтишини истайман. Бу хайрли оқшомда энг даҳо одамнинг ҳам оғзидан хунук сўзлар чиқмаса дейман...

Нигора билан суҳбатлашиб бўлгач ўйланиб қолдим. Одам кузда баҳорни деярли эсламайди, гулни соғинмайди. Қиш эса куз билан баҳор, хазонрезгилик билан яшиллик ўртасидаги сирли кўприкка ўхшайди. Қишда гулнинг қадри ортгандек бўлади. Айниқса, юзларингни аёз чимчилаётган дамларда кўзингни қип-қизил чиннигуллар қувонтирса, кўнглингни бир дилгир ҳислар қитиқласа, ҳароратдан эриб кетай дейсан. Куйиниб, жонҳалак бўлиб ёғаётган қорга қарасангиз, юрагингиз ҳамма ташвиш ва ғашликдан ҳоли бўлгандек ўзингизни енгил ҳис қиласиз. Мен қишнинг узун ва баракали тунларини яхши кўраман. Чунки улар қалам аҳлининг энг бардошли дардкашларидир.

Янги йил яқинлашяпти. Ундан умидимиз — бир дунё! Янги йил кексаларга имон, ёшларга инсоф, кичкинтойларга бўй, келинчакларга кўрк ато этсин. Ёпилмаган таомлар ёпилсин. Эгасиз бешиклар эгасини топсин. Дастурхонимиз файзу баракага тўлсин! Янги йил ёлғизга ҳамроҳ, ночорга паноҳ, шоирга илҳом, беморга малҳам берсин. Кўнгилларга, умуман ҳамма-ҳаммага меҳр инъом этсин! Хуллас, келаётган Янги йилимиз ЯХШИЛИК ВА МУҲАББАТ, ЁШЛИК ВА ҲАРОРАТ йили бўлсин!

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.



Янги йил истаклари

«ХОТИН АКАМИ ЁКИ ХОТИНЖОН»

Ҳамкасбим бироз қизаринқираган бўлди-ю, кофтанинг пулини сотувчига узатди. Олди-сотди тугагунча «хотинака» деган сўз кўп қайтарилди. Шуҳратжонга тақлид қилганлар анча бўлди.

Тушки овқатдан кейин коридорда йигитларимизнинг гурунги қулоғимга чалинди. Улар нима учундир Сардоржонни аския қилишарди. Гап аёллар ҳақида эди.

— Сардордан хотинингга ул-бул олдингми, десам Моҳирахонга ёқадиган рўмол олдим, дейди. —Аёлларга хос ингичка товушда кулги аралаш гап қотди Ҳусан. Яна давом этди. (Энди эркакча овозда) — Товба, нуқул хотинидан гап очсанг, худди атайин жиғингга теккандек, орқасиданам «хон»лаб, «сиз»лаб гапиради.

— Бунинг нимаси ёмон, — ҳайрон сўради Сардор. Унинг сўрови тугамаёқ доимо жанжалларни босиб юрадиган, сал ёши каттароқ Эркин ака гап бошлади. — Ука, мен сенга айтсам, хотинларни бунақа эркалатиш яхшимас. Эркакмисан ўзинг, сал қаттиқроқ турсанг бўлмайдими хотин деганга. Орқасидан «сиз»лашга бало борми?

— Хотинини яхши кўради-да, — деди йигитлардан бири.

— Эй, йўқ, у хотинидан қўрқади. Гаҳ деса қўлига қўнадиган бўлиб қолган...

— Билмасакансанлар, хотинининг таги бақувват, кимсан фалончининг қизи. Қани уни сизламай ҳам кўрсинчи...

Гурра кулги кўтарилди. Роса қийқиришди. Анчадан кейин Сардорнинг овози эшитилди.

— Тўғри айттила, хотинимни жуда яхши кўраман. Нафақат яхши кўриш, керак бўлса бошимда кўтариб юришга ҳам тайёрман...

Бирдан йигитларнинг овози тинди. Сардор эса дилидагини тўкиб соларди.

— Хотиним фалончининг қизи бўлгани учунгина яхши кўрмайман. Моҳирахонни ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳурматимни жойига қўйганлари, ширин муомалалари, меҳру садоқатлари учун ҳар қанча «сиз»ласам оз.

— Узи уйланганингга қанча бўлди, ўртоқ, худди ёш куёвлардек ишдан чиқибоқ уйга шошасан, — гап қотди яна Ҳусанвой. Енгил кулги кўтарилди.

Янги йил арафасида ишхонада улбул ҳадялар уюштиришди. Албатта, байрамолди бўлганидан кейин ҳаммаям ўзигами, оиласигами бирон нима харид қилиб совға олгиси келади.

— Опа, шу десайиз, аёлларни кўнглини топиш қийин-да... манавини онунга олсам тўғри келармикан, — деб қолди қўлига кофта кўтариб олган ҳамкасбим Шуҳратжон.

— Онунингиз ким?

— Ану-да, хотинака....

— Хотинака деганингиз нимаси? Келинингиз, хотинимга денг, — танбеҳ бергандек бўлдим.

— Ҳа, ўшанга... опа бўлармикан, — яна қайта сўради.

— Бўлади, укам, фақат хотинака деманг, ғалати эшитиларкан...

— Ўн беш йилдан ошди. Биласанми нимага шошаман. Авваллари ўша фариштамни интизор қилгим келмасди, чунки вақтида бормасам овқат емай, мени кутиб ўтираверарди. Энди эса икки кўз эмас, уч қизалоғим билан қўшганда саккизта кўз йўлимга интизор. Эшикдан кириб боришим билан ҳаммалари салом бериб ўраб олишади, атрофимда парвона. Бири қўлимдагини олган, бири пальтомни ечиб олади, яна бири шиппагимни келтириб беради. Бири иссиққина сув қуйса, бири сочиқни тайёрлаб туради...

— Ўв... жаннатнинг ўзи-ку-а... Эй менга қара, бу хотининг уйда бўлмай қолса, нима қиласан?— гап қўшди Аброр.

— Тўғрисини айтганда, нимамнидир йўқотгандек бўламан. Болалар атрофимда парвона бўлса-да, Моҳирахонсиз уй ҳувиллаб қолади назаримда, — гапини давом эттирди Сардоржон астойдил. — Операция бўлган кезларимни эсласам... Ҳар куни азонда кўзимни очганимда тепамда Моҳирахонни кўрардим. Менга қилаётган меҳрибончилиги, муомаласи... Тўғри, хотин бўлгандан кейин қилади-да, дейишларинг мумкин. Бир ой шифохонада ётиб кўрдим палатадошларимнинг ҳам хотинларини. Уч-тўрт ойга чидолмай гапсўз бўлганларни ҳам эшитдим... Шифохонадан чиқиб кетаётганимда врачимнинг «сизни аслида хотинингиз даволади. Чунки бу хасталик билан Сиз ҳали камида тўрт-беш ой ётишингиз керак эди. Раҳматни менга эмас хотинингизнинг меҳру муҳаббатига айтинг», деган гапи ҳали қулоғим тагида жаранглайди.

Ўшандан буён юрагимни олдириб қўйдимми, билмайман. Нима бўлгандаям етимлигимни сира билдирмайдиган Моҳирахондек ҳамиша ҳақиқий дўст, ҳамфикр, ҳамдард, дилимдагини кўзимдан уқиб турадиган аёлни «сиз»ламаслик, «хон»ламасликнинг ўзи гуноҳ, деб ўйлайман.

— Аёлнимас, хотинжонимни, деб қўя қол, — яна қитмирлик қилди Ҳусанжон.

Гап шу ерга келганда чидолмадим, қия турган эшигимни очдиму «Ҳар ҳолда хотинакани эмас-да» деб юбордим.

Шу-шу йигитларимиз тилидаги бу сўз эски йилда қолиб кетсин-да...

Умида ФАЙЗИЕВА.

"ШИФРОБАХШ БУЛОҚ"

Тошкент маъданли сув қуйиш корхонаси очиқ турдаги акционерлик жамияти

Республикамизнинг барча фуқароларини

Янги йил билан қутлайди.

бахт ва омонлик тилайди.

1996 йил

Ўзбекистон иқтисодиётида юксалиш йили бўлсин.

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Айём дастурхонига

ЧЎП-КАБОБ

Маълумки, байрам муносабати билан ёзиладиган дастурхонни тўкин ва тансиқ таомларга бой бўлишига интиламиз. Одамлар ўзлари сўраб билган ёки ўқиб ўрганган турли пишириқ ва таомларни қўлбола қилиб, тавозе билан меҳмонларга тортишни маъқул кўрадилар. Биз ҳам ўзига хос бундай ишқибозлар учун тайёрланиши қулай ҳамда мазали ва тўйимли таомлардан бирининг пиширилишини ҳавола этмоқчимиз.

Беш-олти кишилик даврага мўлжалланган бундай қуюқ таомни тайёрлаш оддий ва жўн деса ҳам бўлаверади. Ёғлилиги ўртача қўй ва мол гўштининг биқин, сон қисмидан ажратилган лаҳимни 30-40 граммли кубик шаклидаги бўлакларга бўлинади. Суяксиз бир ярим килограмм гўшт етарли. Бу маҳсулотни музхонага қўйиб, чўплар ҳозирланади. Қабоб сихи ўрнида фойдаланадиган бундай чўплар беҳи ёки оқ тол новдаларидан тайёрлангани маъқул. Чўплар бир қаричли қилиб қирқилиб, пўсти арчилиб, бир учи ўткир қилиб қўйилади. Юқоридаги масаллиқ учун 25 та-30 та чўп етарли бўлади. Уларни яхшилаб ювиб қуритиб қўйинг.

Энди тўғралган гўштларни сихга тортгандай чўпларга тўрттадан (агар бир донадан думба қўшилган бўлса) ёки бештадан қилиб терилади. Агар олдиндан қозонга ўт қалаб қўйган бўлсангиз ёғингиз ҳам доғ бўлиб туради. Ўртача чўмичда икки марта ёғ солсангиз етарли. Фақат бунда қозоннинг катта-кичиклигини ҳисобга олиш керак. Чунки қозонга тушадиган кабоб ярмигача ёғда қовурилса, айни муддао бўлади.

Қозоннинг мосига қараб тўртта ёки бештадан, қозон чоғроқ бўлса иккита-учтадан солиб, кабоблар қизартириб олинади. Олдиндан майда туз, қизил қалампир ва майдаланган зира аралашмасидан ликопчага солиб қўйинг. Икки ёғи қизартириб олинган кабобларга ана шу аралашмадан шакардек севаланади. Кабоблар қизартириб бўлингач иложи бўлса ёғни ортиқчаси олинади, олов суст ҳолга келтирилади. Кейин кабоблар худди саржин тахлагандек ораси-дан ҳаво ўтадиган қилиб қозонга териб чиқилади. Сўнг ўртача катталикдаги бир пиёла сувни қозоннинг бир чеккасидан қуйиб, яхшилаб дамгир босилади. Иложи борича олов суст бўлсин.

Кабобларни лаганга уйиб ёки ликопчаларга тўртта бештадан териб, майда тўғралган пиёзлар билан тортинг.

Мирзо АНВАР.

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг 1995 йил 30 декабрь сони 2-саҳифасидаги «Мард айбни ўзидан ахтарар» сарлавҳали мақоланинг 8-устун, пастдан 4-сатридан бошлаб қуйидагича тузатиб ўқилсин: «Пленумларда Навоий вилояти ҳокими ўринбосари Ҳ. Фахриддинов, Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари Ш. Чилғашев иштирок этдилар.

Э. ХУЖАЕВ.»

Мазкур хатога йўл қўйган таҳририят ходимларига нисбатан қатъий чоралар кўрилди.

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 1996 йил 4 январь, пайшанба куни чиқади).

ЎЗБАТ ҚЎШМА КОРХОНАСИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Ўзбек-Британия қўшма корхонаси ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ВАТ

ЎЗБАТ қўшма корхонаси акционерлик жамияти — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти учун энг катта инвесторлардан биридир.

Биронта бошқа саноат компанияси ЎЗБАТ қўшма корхонаси акционерлик жамияти даражасида ишчиларига ғамхўрлик кўрсатмайди.

Биз мутахассисларимиз касби ва маҳоратини оширишига катта имконият ва шароитлар яратиб берамиз. Биз учун бизнесга сармоя жалб этиш — бу сармояни ўз ишини яхши биладиган одамларга сарф этишдир.

ЎЗБАТ қўшма корхонаси акционерлик жамияти Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида йирик инвестиция компаниясидир.

ЎЗБАТ қўшма корхонаси акционерлик жамияти Марказий Осиёда тамаки ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг илғор даражага эришишни ўзига мақсад қилиб олган.

ЎЗБАТ қўшма корхонаси акционерлик жамияти бўш лавозимларни эгаллашга ва ёши 40 дан ошмаган ишчиларни Тошкент тамаки фабрикасига, Ургут ферментация заводига ҳамда яқинда қурилиши бошланадиган Самарқанд сигарет фабрикасига қабул қилиш бўйича танлов эълон қилади:

- муҳандис-механик;
- муҳандис-электроник;
- техника хиффсаҳ муҳандис;
- ишлаб чиқариш участкаси устаси;
- электрик-муҳандис;
- технолог-муҳандис;
- ишлаб чиқариш бўйича менежер

Компьютерда ишлаш тажрибаси ва уч йилдан кўп меҳнат стажи эгалари ишга олинишда қўшимча имкониятларга эга бўлади.

Инглиз тилини билиш шарт эмас, аммо билса яхши бўларди. Компанияга садоқатлигингиз нафақат яхши ойлик, шунингдек, янги системалар асосида ўқиш, малака ошириш ва махсус курсларда инглиз тилини ўрганиш имкониятлари билан рағбатлантирилади.

Сўровномани тўлдириш учун уни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:

— Тошкент шаҳар, Носиров кўчаси, 77. Тошкент тамаки фабрикаси.

— Самарқанд шаҳар, А. Рудакий кўчаси, 150. Самарқанд тамаки-ферментация заводи.

— Ургут шаҳар, Навоий шоҳкўчаси, 10. Ургут тамаки-ферментация заводи.

Танлов асосида биринчи босқичдан ўтганлар сўровномани топширгандан сўнг бир ой ичида суҳбатга таклиф қилинади.

ЎЗБАТ қўшма корхонаси билан биргаликда муваффақиятга эришишда сиз катта имкониятларга эга бўласиз.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-12-56; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 03.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи Ҳ. ЭРМАТОВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 20. 00.

123456.